



PARTICIPATION OF THE TURKISH PEOPLE IN THE ACTIVITIES OF THE MUSLIM BUREAU OF TURKESTAN

R.A. Rasulova¹

Tashkent State Pedagogical University named after Nizomi

KEYWORDS

Bureau of Muslims, Tatars,
Turkmen, Kyrgyz, section,
Turkestan ASSR, Turkestan KP
MK, Turkkommissiya

ABSTRACT

The article describes the establishment of the Muslim Bureau in Turkestan and the participation of Turkic peoples in its sections. It is mentioned that the leadership was taken by the Tatars, and they even showed zeal in opening the Muslim Bureau in the regions, cities and uezds.

2181-2675/© 2024 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: **10.5281/zenodo.11400997**

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Ph.D., Teacher of the department "The newest history of Uzbekistan", Tashkent State Pedagogical University named after Nizomi, Uzbekistan

ТУРКИСТОН МУСУЛМОНЛАР БЮРОСИ ФАОЛИЯТИДА ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ИШТИРОКИ

KALIT SO'ZLAR/ КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

Мусулмонлар бюроси,
татарлар, туркманлар,
қирғизлар, секция,
Туркистон АССР,
Туркистон КП МК,
Турккомиссия

ANNOTATSIIYA/АННОТАЦИЯ

Мақолада Туркистонда Мусулмонлар бюросининг ташкил топиши ва унинг таркидидаги секцияларда туркий халқлар иштироки ёритилган бўлиб, бунда етакчилиқни татарлар ўз қўлларига олганликлари, ҳаттоки, вилоят, шаҳар ҳамда уездларда Мусулмонлар бюросини очилишида жонбозлик кўрсатганликлари келтирилган.

Инсоният олдида тинчликни, барқарорликни сақлаб қолиш, мамлакат ва минтақада истиқомат қилувчиларнинг миллатлараро муносабатларда ҳамжиҳатликка эришиш, долзарб масалалар қаторида турибди. Ҳар бир давлат ички ва ташқи сиёсатида миллатлараро муносабатлар, бағрикенглик, ўзаро миллий тотувликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаб бориш масаласи долзарблик касб этмоқда. Хусусан, бунинг учун миллий сиёсатни тарихий илдизларини, шаклланиш жараёнларини, давлатчилиқни вужудга келишида турли миллатларнинг иштироки ва бундаги мураккаб ҳамда зиддиятли ҳолатларни ҳолисона баҳолашни тақозо этмоқда.

Совет ҳокимиятини қўлга киритган большевиклар ўлка бошқарув тизимида асосан Марказ манфаатлари, унинг кўрсатма ва қарорлари асосида фаолият юритиб, амалда мустамлакачилик сиёсатини олиб бордилар. Бу ҳолат ўлка ижтимоий-сиёсий, ҳарбий-иқтисодий, маданий-маърифий йўналишларида, ўлка, вилоят, уезд-шаҳарлар бошқарув тизимида маҳаллий миллат вакиллари билан ҳисоблашмаслик, уларни жойлардаги бошқарув тизимидан узоқда сақлаш амалиёти қўллади. Туркистоннинг 95 фоиз аҳолиси турк-мусулмонлардан иборат бўлган ҳолда, ўлка ва унинг жойлардаги бошқарув тизимига рус ва русийзабонлар жалб қилиниб, уларнинг аксарияти маҳаллий аҳоли тили, дини, маданияти, урф-одатларини билмас, аҳолининг руҳиятини тушунмас эдилар. Туркистон АССР ХКК ва МИҚ таркиби, вилоят ва уезд-шаҳарлардаги бошқарувга жалб этилганлар орасида миллий зиёлилар жуда озчиликни ташкил этган ва бу ўз навбатида ерли аҳоли миллий хусусиятидан кўра, Марказ манфаатларига йўналтирилган сиёсатни олиб боришини тақозо этган. Большевиклар томонидан ўлка бошқарувини ўз зиммасига олган Туркистон Мухториятини йўқ қилиниши, Марказ хоҳиш-иродасига бўйсунадиган Туркистон АССР ни тузилиши, тузилган ХКК ва МИҚ бошқарув аппаратида миллий зиёлиларга нисбатан беписандлик билан ёндашув, ўлка бошқарув тизимини, вилоят ва уезд-шаҳарлардаги бошқарув аппаратини назорат қилишга қаратилган РСФСР ХКК ва РКП (б) МҚ нинг Туркистон масалалари бўйича комиссия (Турккомиссия) ни 1919 йилдан ўз фаолиятини олиб бориши, бу амалда миллий зиёлиларни эркин

фаолиятига имкон бермаган.

Туркистон бошқарув тизимида ерли аҳоли вакиллари давлат бошқарув аппаратида жалб этиш масаласи Туркистон ўлка Советларининг ҳар бир съездида кўтарилса-да, амалда бу ўз самарасига эга бўлмаган. 1919 йил март ойида Туркистон АССР Советлари VII фавқулодда съездининг миллий ишлар секциясида бу масала яна кун тартибига қўйилиб, бўлиб ўтган баҳс ва мунозараларда совет ҳокимиятининг маҳаллий аҳолига бегоналиги, жойларда мусулмонларга ишончсизлик билан қараб, уларни бошқарув тизимига яқинлаштирмаслик сиёсати давом этаётганлиги кескин танқид остига олинган. Миллий ишлар секцияси ўлка партия қўмитаси Туркистонда яшайдиган маҳаллий миллат вакиллари бошқарув тизимига жалб этиш борасида етарли даражада саъй-ҳаракат қилмаётганлиги кескин танқид остига олинди. Миллий секция қарорида туркистонлик ерли аҳоли вакиллари бошқарув органларига тайинмаётганлиги таъкидланди ва Туркистон КП нинг ўлка қўмитасига ишончсизлик билдирди. Ўлка Советларининг мазкур VII съездининг 1919 йил 8 мартда бўлиб ўтган ёпиқ мажлисида Турор Рисқулов томонидан Туркистон бошқарувидаги руслар “ҳеч қандай асосга эга бўлишмаса ҳам мусулмон раҳбарларига ишончсизлик билдиришмоқда” деб, буни ўзи очларга ёрдам комиссияси раиси лавозимида ишлаганида яққол кўрганини ишонч билан қайд этади. Ўз-ўзидан, Турор Рисқуловни бундай муносабатдаги танқиди Марказ эмиссарларига ёқмай, К. Успенский томонидан: “Ишончсизлик масаласига келсак, коммунистик қурилишда ишлашни билиш керак, мусулмонлар орасида эса ҳали онгли ишчилар ва раҳбарлар кам” деб, маҳаллий аҳоли мусулмонларга паст назар билан қарашини ифода этган[1.93,94].

Туркистон АССР Советларининг VII съезди бўлиб ўтаётган кунларда Туркистон КП ўлка партия анжумани ҳам бўлиб ўтди. Анжуман қарорига биноан Т. Рисқулов раислигида Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси таркибига Н. Хўжаев, А. Мухитдинов, Ю. Иброҳимов[2.176-177], Ю.Алиевлар сайланди. Шундан кейин, II ўлка партия анжумани ташкил топиб, Туркистон ўлка Мусулмонлар бюросининг вазифа ва функцияларини белгиланиб, қўшимча қарорда Мусулмонлар бюроси Ўлка партия қўмитасининг бўлими сифатида фаолият олиб бориши, унинг ёрдамчи органи эканлиги қайд этилди. Туркистон ўлка Мусулмонлар бюросининг ташкил топиши, вужудга келган ўзига хос шарт-шароит, бошқарув тизимида маҳаллий аҳоли манфаатларига қаратилган, давом этиб келаётган шовинистик муносабатларга қарши ташкилот бўлса-да, амалий хатти-ҳаракатларини Туркистон КП МҚ билан мувофиқлаштириб олиб бориши белгилаб қўйилди[3.27].

Туркистон миллий зиёлилари: ўзбек, қozoқ, тукман, қирғиз, тожик, қорақалпоқ халқлари вакиллари, миллий озчилик сафидан ўрин олган татар, бошқирд ва бошқалар совет ҳокимиятининг бошқарув тизимидаги фаолиятидан норози бўлдилар. Бу норозиликка ўлка ҳаётида тили ва динига, маданиятига ёт инсонларни бошқарув тизимида асосий роль ўйнаётгани эди. Туркистон ерли аҳолисининг

большевиклар партияси сафига кириши, тарихий адабиётларда миллий коммунистлар деб аталишига сабаб бўлди. Миллий коммунистларнинг ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки 1918-1920 йилларни ўз ичига олган. Миллий коммунистлар томонидан Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси тарихан қисқа муддат (1919-1920) фаолият олиб борган бўлса-да[4.167], бу ўз марказий бошқарув аппаратиغا, вилоят, уезд-шаҳарлардаги бюроларига эга бўлди.

Шундай қилиб, 1919 йил 30 март куни Туркистон КП Ўлка қўмитаси Мусулмонлар бюроси Турор Рисқулов раислигида ташкил топди. Туркистон КП МК нинг 1919 йил 1 ва 6 апрелда бўлиб ўтган мажлисида Туркистон ўлка Мусулмонлар бюросининг мақсад ва вазифаларини ўз ичига олган махсус қўшимча қарорлар қабул қилинган. Қабул қилинган махсус қўшимча қарор мазмун-моҳиятига кўра, Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси Туркистон КП МК нинг бир бўлими сифатида ҳисобланиб, назарий ва амалий фаолиятини унинг раҳбарлиги остида иш юритиши белгиланган. Қарорда кўрсатилишича, Мусулмон бюроси маҳаллий аҳоли ўртасида КП зиммасидаги барча ишларни бажариши ва шу тариқа унинг ёрдамчи органи бўлиши лозимлиги қайд этилган. Шунингдек, Туркистон ўлка Мусулмонлар бюросига “Иштирокиюн” газетасига муҳаррирлик қилиш вазифаси ҳам юклатилган[5.63].

Туркистон КП сафида миллий раҳбарлар-зиёлилардан Турор Рисқулов бошчилигида Ўлка Мусулмонлар бюросини ташкил топиши, бу аслида маҳаллий совет ва партия ходимларини Марказ хоҳиш-иродаси доирасида большевиклар назоратида фаолият олиб боришга йўналтирилган эди. Турор Рисқулов томонидан ўлкада ўз фаолиятини бошлаган Мусулмонлар бюроси фаолиятида қозоқ ва ўзбеклар қатори, ҳам туркий тилларни биладиган, ҳам рус тилида оғзаки гапирадиган, ёзма ёза оладиган татарлар бошқарув тизимида, газеталар чоп этишда, янги “социалистик жамият равнақи йўлида” тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда “қизил адабиётлар”ни ерли халқлар тилларига таржима этилиши муҳим роль ўйнаган. Аммо Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси ва унинг вилоят, уезд-шаҳарлардаги бўлимлари фаолияти таҳлили шундан далолат берадики, Мусулмонлар бюроси юқоридаги вазифаларни бажаришдан ташқари, ўз олдиларига бошқа маданий-маърифий вазифаларни, миллий манфаатлар ҳимояси йўлида жойлардаги ҳарбий-сиёсий, маданий-маърифий йўналишлардаги бошқарув тизимига ўлкадаги турк-мусулмонларни тавсиясини кўпашига, у ёки бу лавозимлардаги маҳаллий кадрлар истиқболи ва тақдирига бефарқ қарамасликка олиб келди. Хусусан, Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси раҳбариятидаги кадрлар саъй-ҳаракатида “миллий масала” бўйича алоҳида ўз фикрига эга бўлиш, амалда ўлкада фаолият олиб бораётган Турккомиссия, Туркистон КП МК ва Марказ хоҳиш-иродалари билан тўла ҳисоблашмай, ўз сафдошлари билан маслаҳатлашиб, Туркистон АССР атамасини Турк республикаси деб, Туркистон КП ни Турк коммунистик партияси деб ўзгартиришни таклиф қилган. Шунингдек, энг муҳими, мусулмон турк қўшини ташкил этиш зарурлигини ҳамда мусулмон бўлмаган ҳарбий тузилмаларни Туркистондан олиб

чиқиб кетиш масаласи қўйилган эди. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар Марказнинг хоҳиш-иродасига қарши эди[6.34].

Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси таркибий тузилмаси бўйича тўғрисида фикр юритганда, таъкидлаш жоизки, ўлкада истиқомат қилаётган турли миллат мусулмонларини: ўзбек, қозоқ, татар, озарбайжон, қирғиз, қорақалпоқ, турк ва бошқаларни мазкур бюро таркибида ўз ҳақ-хуқуқлари, маданий-маърифий талабларини қондириш юзасидан иш олиб боришни, яқиндан ўзаро алоқалар ўрнатиб, уларни мустаҳкамлаб, ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий муносабатларни йўлга қўйишни тақозо этарди. Шу мақсадлардан келиб чиқиб, 1919 йилнинг ўзидан Туркистоннинг барча вилоятларида ҳам мусулмон коммунистлари бюроси ташкил топиб, унинг таркибида турли секциялар фаолият юрита бошлаган. Хусусан, бу секциялар татар, кейин алоҳида ўзбек, қирғиз, озарбайжон, маълум бир пайт Ўзбек-Татар, Ўзбек-Татар-Озарбайжон, Ўзбек-Татар – Озарбайжон – Қирғиз (Қозоқ), мусулмонлар секцияси номлари билан юритилган.

Туркистонда ўлка Мусулмонлар бюроси ташкил топиши билан ўлка вилоятларида, уезд-шаҳарларида ҳам Мусулмонлар бюроси (секцияси) тузишни шакллантириш, бундай йўл тутиш орқали ерли аҳоли сиёсий онгини ошириш, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишга ундаш, жойлардаги бошқарув тизимига жалб қилиш асосий вазифалар қаторига киритилди. Шу мақсадда, 1919 йил 2 майда Туркистон ХКК раиси К.Е.Сорокин, Туркистон ўлкаси Мусулмонлар бюроси раиси Т. Рискүлов, Туркистон КП МҚ аъзоси Хусанбоев, Туркистон МИБХК С. Турсунхўжаевлар Скобелевга келиб, жойлардаги аҳвол билан яқиндан танишган. Вилоятдаги татарларнинг мусулмон бюроси фаолиятини ўрганиб, Татар секцияси (бўлими)ни иш юритишига хайрихоҳлик билдирган[7.101,103]. Чунки ўша пайтда Фарғона вилоятида татарлар сони 3000 нафар атрофида бўлиб, бу Татар секцияси тузишга асос бўлиб хизмат қилган[8.3]. Мазкур масала юзасидан вилоятда истиқомат қиладиган мусулмонларнинг камбағал вакиллари билан мажлис ўтказилган. Мажлисдан асосий мақсад вилоят мусулмонлар бюросини ташкиллаштириш эди. Фарғона вилоят Мусулмонлар бюроси зиммасига маҳаллий миллат вакиллари "социалистик жамият" бошқарувида фаол иштирокини таъминлаш, янги жамиятга тўғри келмайдиган, илгари бошқарув тизимида мавжуд бўлган пристав, мингбоши, элликбоши ва бошқалар ўрнига янги тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиши керак эди. Тошкентдан Фарғона вилоятига ташриф буюрганлар томонидан Скобелевда сиёсий уйғониш, янги "социалистик жамият" га хайрихоҳлик сезилмаётгани, жойларда мусулмон аҳолиси фаоллиги йўқлиги танқид остига олинди. Шунингдек, Фарғона вилояти мусулмонлари бир мақсад сари бирлашмагани, янги тартиб-қоидалар ишлаб чиқилмагани танқид қилинди. Бундай танқидларга нисбатан Фарғона вилоят касаба уюшмаси раиси Шомансур Хўжаев сўз олиб, Скобелев "мусулмонларини сусткашликда айблаш керак эмас, чунки улар (мусулмонлар – Р.Р.) га барча ташкилотлардаги руслар Мадаминбек

шерикларидек қарайди... биз [мусулмонлар] ҳеч қаерда таъсирли сўзимизга эга эмасмиз... Туркистоннинг кўпчилиги қатори, биз доимо русларга ён босамиз... аммо улар бизни ўзидан итаради ва ишончсизлик билан қарайди... шундай шарт-шароитда у ёки бу [сиёсий] ташкилотларда фаол ишлаш мумкин эмас”, - дейди[9.78].

Мусулмон ерли аҳолини “сиёсий уйғонмаслик”да қўйилган таъналарга қарата сўз олган, мажлис иштирокчиси Ислотов, Мадаминбекни Скобелев қамоқхонасига ҳужумидан кейин мусулмонларни барчасига “ўғай кўз” билан қараш бошлангани, хусусан, мусулмонлар эндиликда бир жойда 3-4 киши йиғилиб гаплаша олмайдиган ҳам бўлиб қолганини таъкидлайди. Ерли аҳоли ўртасида қўрқув, ваҳима тарқатилди. Ҳеч қандай сабабларсиз ҳам, жиноят қилмаса ҳам ўлдираверганлар. Ким душману, ким дўстлигини ажратиш бўлмаган. Ислотовга кўра, ана шундай “жазо отряди”да арманлар бош ролни ўйнаб, руслардан кўра шафқатсизликларини кўрсатганлар. Арманлар мусулмонларни талон-тарож қилиш ва пулини олиб, уларни устидан масхара қилиб, эндиликда “Оллоҳдан ва турк султонларидан қутқаришни сўра” деганлар. Бу ҳам ерли аҳоли ўртасида мусулмонлар ташкилоти тузишга тўғаноқ омиллардан бири саналган[10.1].

Фарғона мусулмонларини сиёсий бирлашмаганига оид танқидга нисбатан берилган жавобда ҳақиқат бўлиб, янги тузум мазмун-моҳиятидан кўра, “яшаш учун кураш”, “оила боқиш” муаммоси мусулмонларни ўз домига тортган бўлиб, большевиклар бошқарув тизимига, амалда мусулмонларни яқинлаштирмас эди. Шундай бўлса-да, Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси томонидан Фарғона вилоят Мусулмонлар бюроси ташкил этиш вазифаси қўйилган эди. Мазкур масала юзасидан Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси аъзоси Ғ.Юнусов иштирокида, Р.Қопқоев раислигида[11.79] 1919 йил 5 майида Скобелевда татарларнинг 110 кишилиқ умумий мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Туркистон МИБХК С.Турсунхўжаев ҳам қатнашган. Татарларнинг Скобелевдаги мазкур мажлисида Ғ. Юнусов сўзга чиқиб, совет ҳокимияти олдидаги мақсад ва вазифалар, бошқарув тизимида мусулмонларни иштирок этиш зарурати, вилоятда Мусулмонлар бюроси Татар секциясини тузиш аҳамиятига тўхталган. Татарлар олдида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, мажлис қарорига кўра, татар зиёлилари бўлмиш О.Макаев ва И.Охуновларга жойларда мусулмонлардан бюро тузиш ишларига жалб этиш ваколати берилиб, мазкур масалада вилоятдаги барча депутатлар кенгаши ва коммунистик партия ташкилотларига кўмак бериш вазифаси юклатилган[12.1].

Татарлар Туркистон мусулмонлари орасида “инқилобий қарашлари” кучлилиги билан ажралиб турганлар ва улар ўлка бошқарув тизимида фаол қатнашиш орқали туркий халқларни асрий қолоқлигидан қутқариш мумкин деб, ҳисоблаганлар. Бу йўлда татарлар ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашиш, ўлканинг ерли аҳолиси вақтилларини ҳам бу жараёнларда фаол бўлишга жалб қилиш мақсадга мувофиқ деб топганлар. Р. Қопқоев татарларни бошқа мусулмонлар билан биргаликда, қўлни-қўлга бериб чақириш билан бирга, “партия аъзолари фронтга

кетсак, партиясизлар бу ерда чайқовчилик, талон-тарож қилиш билан шуғулланишда давом этишига йўл қўймаймиз... партиясизларни ҳам ўзимиз билан олиб кетамиз ва [уларни] олдинга қўйиб юборамиз... партия аъзолари [сизларни] орқангиздан кузатамиз: агар биз бошқа томонга кетаётганингизни ёки чекинаётганингизни билиб қолсак, унда биринчи ўқни сизларга сарфлаймиз, иккинчи ўқ душманга қарата отилади” деб, сўзини охирида татарларни қатъиятли бўлишга, ўлкада совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда фаол қатнашишига чақирган[13.5].

Хулоса қилиб қайд этиш мумкинки, Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси оз муддат фаолият олиб борган бўлса-да, ерли аҳоли манфаатлари йўлида катта ишларни амалга ошириш, миллий давлатчилик асосларини яратиб, мусулмон кадрлар бошқарувини устиворлик асосида бўлишига ҳаракат қилган. Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси вилоят ва уезд-шаҳарларда бошқарув тизимини ишга солиб, жойларда маҳаллий кадрларни бошқарув тизимида ўз ўрни бўлиши бўйича кенг қамровли ишларни олиб борди. Шу ўринда вилоят Мусулмонлар бюросини шаклланиши ва унинг амалий фаолиятида татарлар етакчилик қилгани тарихий далиллар асосида келтирилган.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917-1941 йиллар). Тошкент: “ABU MATBUOT-KONSALT”, 2012. - Б. 93-94
2. Ю.И. Иброҳимов мазкур лавозимда кўп вақт фаолият юритмай, 1919 йил март ойи охирида РСФСР МИБХК га чақириб олинди. Ю.И. Иброҳимов РСФСР МИБХКда Туркистондаги ҳарбий-сиёсий аҳвол ва ўзи томонидан шу пайтгача амалга оширган фаолияти бўйича ҳисобот берди ҳамда ўлкада “социалистик ўзгаришлар” қайси аҳволда кетаётганига оид “Жизнь национальностей” ва “Эшче” газеталарида мақолалар чоп эттирди. 1919 йил 10 апрелида РКП(б) МҚ нинг ШХКТ МБ томонидан ММХКаъзолигига тайинланиб, амалда Шарққа юбориш тайёрланаётган Татар ўқчи бригадасини шакллантириш ишларига масъул бўлди. Қаранг: Борцы за счастье народное. Казань: Татарское книжное издательство, 1983. – С. 176-177
3. История коммунистических организаций Средней Азии. Ташкент: “Узбекистан”, 1967. – С.338-339; Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций. Ташкент: “Узбекистан”, 1988. – С. 27
4. Бу ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Акбаева З.Ж. Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси фаолияти (1919-1920 йиллар). Тошкент: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси, 2020, 167 бет
5. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. Тошкент: “Университет”, 2022. – Б.63

6. Аҳад Андижон. Туркистон учун кураш. Тошкент:“Тафаккур”, 2017.–Б.34
7. Сорокин К.Е. Главное направление. / За Советский Туркестан. Ташкент: Издательства Узбекской ССР, 1963. – С.101,103.
8. Ўз МА, Р. 34-фонд, 1-рўйхат, 357-иш, 3-варақ
9. ЎзР ПАА ФВБ, 1-фонд, 1^А-рўйхат, 93-иш, 78-варақ
10. ЎзР ПАА ФВБ, 111-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 1-варақ
11. ЎзР ПАА ФВБ, 1^А-рўйхат, 84-иш, 79-варақ
12. ЎзР ПАА ФВБ, 1-фонд, 1^А-рўйхат, 35-иш, 35-варақ; 111-фонд, 1-рўйхат, 32-иш, 1-варақ
13. ЎзР ПАА ФВБ, 111-фонд, 1-рўйхат, 32-иш, 5-варақ ва орқаси